

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Избоскан тумани Чуама Мурувват уйида беморларини иссик овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматини харид қилиш учун энг яхши таклифларни танлаш ўтказилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи, танлаш ҳужжатида белгиланган миқдорларда хизмат кўрсатиш имконияти ва тажрибасига эга юридик шахс бўлган барча маҳаллий корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Давлат буюртмачиси номи: Чуама Мурувват уйи

Манзил: Андижон вилояти Избоскан тумани Чуама кишлоғи

Тел: (+99893) 410-30-71

2. Танлаш предмети: Чуама Мурувват уйида беморларни иссик овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизмати

3. Шартнома тузувчи – Чуама Мурувват уйи.

4. Танлашнинг чекланган қиймати:

Танлаш иштирокчилари битта лот бўйича танлашда иштирок этиши, Буюрмачи эса энг яхши танлаш таклифларини тақдим этган бир иштирокчи билан шартнома имзолаши мумкин.

5. Молиялаштириш манбаи: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

6. Танлашда иштирок этишни истаган номзодлар:

махсус ахборот порталига (xarid.uzex.uz) жойлаштирилган электрон танлаш ҳужжатларини юклаб олишлари ва унда кўрсатилган талаблар билан танишиб чиқишлари;

шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлиши;

танлаш таклифларини белгиланган муддатларда танлаш ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тақдим этишлари лозим.

7. Танлаш харид комиссияси томонидан таклифларини техник ва нарх қисмларини баҳолашдан аввал иштирокчилар малакавий саралашдан ўтказилади. Малакавий саралашдан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари комиссия томонидан баҳоланади.

8. Танлаш ҳужжатида иштирокчилар учун малакавий талаблар, таклифларни топшириш, шакллар, техник топшириқлар, шартнома лойиҳаси ва бошқа талаблар кўрсатилган.

9. Танлашни ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагида бўлган иштирокчилар, Давлат буюртмачиси Танлашни эълон қилган санадан бошлаб (ҳафтанинг якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 09:00дан 16:00га қадар Давлат буюртмачисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Манзил: Андижон вилояти Избоскан туман Чувама кишлоғи.

Тел: (+99893) 410-30-71

10. Танлаш таклифлари 2022 йил “___” _____ (махсус ахборот порталида кўрсатилган муддат тугагунга қадар) куни соат 16:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича давлат буюртмачисига тақдим этилиши лозим (байрам ва якшанба кунларидан ташқари).

11. Танлаш мажлислари Мурувват уйида ўтказилади.

Чуама “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар
учун аёллар интернат уйи директори :



М.Тоштемирова

Конкурсга талаб

Бир кунда 3 махал 4 хил иссиқ овқат хамда 2 махал нонушта тайёрлаш учун бир беморга бир кунда 22000 сўмдан 26482 ўрин кунга, №1 дан № 15 столларгача муассаса томонидан бериладиган талабномада кўрсатилган таомларини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида овқатларини тайёрлаш, санитария ва гигиеняга амал қилиш, муассаса билан хафталик таомнома менюларини келишиб бориш. тадбиркорлик субъекти бўлиши, аутсорсинг хизмати бўйича камида 3 ойлик шартнома суммасига тенг маблағларга эга бўлиши, молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши лозим.

Чуама “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар
учун аёллар интернат уйи директори :



М.Тоштемирова